

ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎЛЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИГА ТАТБИҚ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Бахтиёр Пардаев Абдужабборович,

А.Қодирий номидаги ЖДП Институтининг
“Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси”
кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларни касб-хунарга йўллаш ва ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этиш йўллари кўрсатилган бўлиб, унда дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларнинг бевосита касб тарбиясини, касбга йўналтириш ишларини амалга оширишда кенг имкониятлар яратилиши имкониятлари кўрсатиб ўтилган.

Аннотация: В данной статье показаны способы направления обучающихся на профессию во внеучебную деятельность и их применение в образовательном процессе, показаны возможности создания возможностей для внеклассной деятельности при осуществлении прямого профессионального образования, профориентации.

Annotation: This article shows the ways to send students to the profession in extracurricular activities and their application in the educational process, which shows the possibility of creating opportunities for extracurricular activities in the implementation of direct vocational education, career guidance.

Калит сўзлар: касб-хунар, технология, экскурсия, объект, кузатиш, суҳбат, ахборот, ўқув дастури, касб-хунарлар классификацияси, маҳаллий-худудий касблар таснифи, тизимлаштириш.

Ҳурматли президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 1-октябрь ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида ўқитувчиларни нуфузини уларнинг кадр қиммати кўтариш шарафли ва машаққатли касблардан эканлигини бир неча баробар таъкидлаб ўтдилар. Бу қандай тақлифлар эди, илгари сурилган фикр ва ғоялар қуйидаги мезонларда ўз аксини топган. Ўқитувчиларга устамалар тўлаш мезонлари тўлиқ қайта кўриб чиқилиши зарур. Ўқитувчилар фаолиятига ноқонуний аралашув, бошқа ишларга жалб қилиш жавобгарликка сабаб бўлишини [қонунда] қатъий белгилаш лозимлиги.

1-октябрдан бошлаб синф раҳбарлари учун қўшимча тўлов 1,5 баробар оширилиши. Мактаб директори лавозимини танлов асосида, мактабни келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича энг яхши дастурга эга номзод эгаллаши керак». Директорни ишдан бўшатишда маҳаллий кенгаш билан келишиш талаб этилади. Мактабни битирган ўқувчи олийгоҳга кириши керак

ёки мактаб давридаёқ бирор-бир касб-хунарга эга бўлиши шартлиги. Мактаб директори лавозимини танлов асосида, мактабни келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича энг яхши дастурга эга номзод эгаллаши керак». Директорни ишдан бўшатишда маҳаллий кенгаш билан келишиш талаб этилиши.

Мактабни битирган ўқувчи олийгоҳга кириши керак ёки мактаб давридаёқ бирор-бир касб-хунарга эга бўлиши шарт кўрсатиб ўтилди. Малакани оширишнинг янги тизими жорий этилади: ўқитувчилар малака ошириш марказига бормасдан, масофадан туриб касбий кўникмаларини доимий ривожлантириш имконига эга бўлади. Жумладан, 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи даражалари билан уйғунлашган янги бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизми ҳамда табақлаштирилган таълим дастурлари жорий этиладиган таълимдастурлари жорий этиладиган таълим муассасалари тармоғи ташкил этилси, 340 та касб хунар мактаби, 147 та коллеж, 143 та техникум) Ушу тизим орқали 9000 га яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини беради. Профессионал таълим тизimini янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тadbирлар тўғрисида Ўзбекистон республикаси Президентининг фармони эълон қилинди. Ҳозирги кунда республикада энгил саноатда 46 минг, қурилишда 104 минг, металга ишлов бериш бўйича 71 минг, хизмат кўрсатиш соҳасида 67 минг нафар мутахассис етишмайди. Бу таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида уйғунлик йўқлиги оқибатидир. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб мактаб ўқувчиларининг ташкил қилинадиган дарсдан ташқари машғулотларга қатнашиш даври унинг умумий ўрта таълим муассасасидаги бутун таълим даврини қамраб олинди.

Бу давр мобайнида ўқувчилар билан тадқиқот тажриба-синов майдонларида ташкил қилинган «Наққошлик», «Тикувчилик», «Электротехника», «Дурадгорлик» тўғаракларининг махсус ишлаб чиқилган иш режалари ва намунавий дастурлар асосида машғулотлар олиб борилди. Ташкил қилинган ҳар бир тўғарак машғулотлари жараёнида ўқувчилар умумий ўрта таълим ўқув дастури билан узвий боғлиқ равишда касбий билимлар асосларини узлуксиз эгаллаб бордилар. Тўғараклар учун ишлаб чиқилган дастурларни амалга ошириш мураккаб педагогик-психологик ҳамда ташкилий жараёнларни ўз ичига олганлиги сабабли, ўқувчилар қабул қилиши лозим бўлган барча ахборотлар оқимини гуруҳлар бўйича тизимлаштириш мақсадида қуйидаги вазифаларни амалга оширдик:

- ўқувчиларни касб-хунарга йўллаш ишларини ахборот билан таъминлаш тузилмаси таҳлил қилинди;
- ўқувчиларнинг умумий ўрта таълим ўқув дастури асосида дарс

жараёнида танишиши мумкин бўлган касб-хунарлар классификацияси белгилаб олинди;

- мактабларда дарс жараёнида бевосита қараб чиқилмаган, маҳаллий-худудий шароитларга кўра талаб қилинадиган касблар таснифи ва уларнинг ҳар бири тўғрисидаги ахборотлар жамланди ва тизимлаштирилди;
- дарсдан ташқари машғулотларда касб-хунарга йўллаш ишларини ташкил қилишда ишлаб чиқилган классификациялар асос вазифасини ўтади, ўқувчиларни маҳаллий талаблар асосида касб-хунарга йўллаш ишларининг самарадорлигини таъминлади.

Қайд этилган вазифаларнинг давомида изчил амалга ошириб борилиши барча шаклдаги дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларнинг бевосита касб тарбиясини, касбга йўналтириш ишларини амалга оширишда кенг имкониятлар яратилишига олиб келди.

Бу жараёнда, шунингдек, ўқувчи шахсини касб танлашга йўллашда йўналишни ихтиёрий танлаш учун шароит яратишда уни эркин фикрловчи шахс сифатида шакллантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг ечимини касб танлашга йўллаш ишлари билан боғлиқ ҳолатда ҳал этиш учун биз ижтимоий, демографик, иқтисодий, миллий, минтақанинг демографик ҳолати каби омилларни ҳисобга олиб борилди.

Касб танлаш учун ўқувчи ўз имкониятларини баҳолай олиш кўникмасига, яъни қизиқишларига монанд, ҳар хил касблар бўйича билимга касбларнинг имкониятлари, келажаги ҳақида ахборотга эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Шахсда касбга йўналтириш махсус амалий фаолият орқали амалга оширилади, ўқувчининг инсон сифатида шаклланиш босқичларида шахс ва жамият ягона бир тизим сифатида қаралади, ўтиш даврида бозор иқтисодиёти муносабатлари талаблари инобатга олинади. Шахс ҳар томонлама камол топиши учун ақлий, жисмоний, маънавий, руҳий жиҳатдан тарбияланган бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан шахснинг шаклланишига бир неча омиллар таъсир кўрсатади.

Дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчи шахсини шакллантиришга таъсир этувчи қуйидаги манбалар аниқланди;

1. Маънавий фазилатлар;
2. Касбий фазилатлар;
3. Педагогик билимлар;
4. Психологик билимлар.

Бугунги касб танлашга йўллаш ишларида шахс сифатларини чуқурроқ ўрганиш асосида машғулотларда ўқувчиларнинг индивидуал имкониятлари асосида таълим бериш ўзига хос ўринга эга бўлиб бормоқда. Индивидуал ёндашув асосидаги таълим ўқувчининг қизиқиши, эҳтиёжи, хоҳишига кўра

жараёнида танишиши мумкин бўлган касб-ҳунарлар классификацияси белгилаб олинди;

- мактабларда дарс жараёнида бевосита қараб чиқилмаган, маҳаллий-ҳудудий шароитларга кўра талаб қилинадиган касблар таснифи ва уларнинг ҳар бири тўғрисидаги ахборотлар жамланди ва тизимлаштирилди;
- дарсдан ташқари машғулотларда касб-ҳунарга йўллаш ишларини ташкил қилишда ишлаб чиқилган классификациялар асос вазифасини ўтади, ўқувчиларни маҳаллий талаблар асосида касб-ҳунарга йўллаш ишларининг самарадорлигини таъминлади.

Қайд этилган вазифаларнинг давомида изчил амалга ошириб борилиши барча шаклдаги дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларнинг бевосита касб тарбиясини, касбга йўналтириш ишларини амалга оширишда кенг имкониятлар яратилишига олиб келди.

Бу жараёнда, шунингдек, ўқувчи шахсини касб танлашга йўллашда йўналишни ихтиёрий танлаш учун шароит яратишда уни эркин фикрловчи шахс сифатида шакллантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг ечимини касб танлашга йўллаш ишлари билан боғлиқ ҳолатда ҳал этиш учун биз ижтимоий, демографик, иқтисодий, миллий, минтақанинг демографик ҳолати каби омилларни ҳисобга олиб борилди.

Касб танлаш учун ўқувчи ўз имкониятларини баҳолай олиш кўникмасига, яъни қизиқишларига монанд, ҳар хил касблар бўйича билимга касбларнинг имкониятлари, келажаги ҳақида ахборотга эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Шахсда касбга йўналтириш махсус амалий фаолият орқали амалга оширилади, ўқувчининг инсон сифатида шаклланиш босқичларида шахс ва жамият ягона бир тизим сифатида қаралади, ўтиш даврида бозор иқтисодиёти муносабатлари талаблари инобатга олинади. Шахс ҳар томонлама камол топиши учун ақлий, жисмоний, маънавий, рухий жиҳатдан тарбияланган бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан шахснинг шаклланишига бир неча омиллар таъсир кўрсатади.


Дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчи шахсини шакллантиришга таъсир этувчи қуйидаги манбалар аниқланди;

1. Маънавий фазилатлар;
2. Касбий фазилатлар;
3. Педагогик билимлар;
4. Психологик билимлар.

Бугунги касб танлашга йўллаш ишларида шахс сифатларини чуқурроқ ўрганиш асосида машғулотларда ўқувчиларнинг индивидуал имкониятлари асосида таълим бериш ўзига хос ўринга эга бўлиб бормоқда. Индивидуал ёндашув асосидаги таълим ўқувчининг қизиқиши, эҳтиёжи, хоҳишига кўра

муайян касб-хунар юзасидан чуқур маълумотлар олиши ва келажакда танлаган касби бўйича касб-хунар коллежларига ўқишга бориши учун кенг имкониятлар яратади.

Биз тадқиқот тажриба-синов майдончаларимизда ўқитишнинг ноанъанавий шакллари доирасида амалий-тажриба машғулотлари билан боғлаб ўрганиш усулларини синаб кўрдик. Амалий-тажриба машғулотлари махсус жиҳозланган хоналарда ва алоҳида ажаратилган тажриба майдонида олиб борилди (1-шакл).




1- шакл. Амалий тажриба машғулотларини ташкил қилиш тузилмаси

Бундай таълим машғулотларини ташкил қилишда асосан дарсдан ташқари ишларнинг амалий-тажриба машғулотлари ва экскурсиялар шаклларидадан фойдаланилди (2- шакл).

Дарсдан ташқари машғулотлар шаклларида бири ҳисобланган экскурсияларни ташкил қилишда биз уларнинг синф-дарс тизими, шунингдек, амалий машғулотлардан тубдан фарқ қилувчи қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратдик:

2.6. шакл. Экскурсияларнинг йўналишлари ва таркибий тузилиши



а) ўтказиладиган экскурсияларнинг ҳаммасига ўқитувчи раҳбарлик қилса-да, у экскурсия объектларининг барчаси билан яхши таниш бўлмаслиги мумкин, бундай ҳолларда экскурсия уюштирилаётган корхона, муассаса ёки хўжаликнинг масъул вакили машғулоти олиб боради;

б) экскурсия муддати турлича бўлиб, уларни ташкил қилишда минтақавий, мавсумий ва экскурсия уюштириладиган объект хусусиятларидан келиб чиқилади. Жумладан, қишлоқ хўжалик корхонасига ҳосилни йиғиштириб олиш даврида, автокорхоналарга техник қаровларни ўтказиш пайтида экскурсия уюштирилиши энг юқори унумдорликка эришиш имконини беради;

в) ўқитувчи ёки экскурсия уюштирилган объект вакили бўлган экскурсоводнинг раҳбарлик усули ва ўқувчиларнинг фаолияти турлича бўлиши мумкин.

Экскурсия давомида бир ўриндан иккинчи ўринга кўчиб юрилади. Шу боис ўқувчилардан интизомга қатъий риоя қилиш талаб этилади. Ўқитувчилар объектни кузатиш жараёнида вақти-вақти билан саволлар берадилар, зарур маълумотларни ёзиб борадилар. Экскурсия якунида ўқитувчи бугунги кузатганларини аввал ўзлаштирилган материалларга боғлаб суҳбат ўтказади. Экскурсия материаллари асосида баён ёки иншо ёздириш мумкин.

Таълимнинг ноанъанавий шакли сифатида ташкил этиладиган баҳс-мунозара, давра суҳбати, амалий конференция, семинар ва бошқалар муайян предметнинг муҳим мавзулари юзасидан ташкил этилиб, ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ўз фикрини илгари суриш, уни асослаш ҳамда ҳимоя қилиш қобилиятини шакллантириш учун хизмат қилади. Бу каби дарсларнинг ташкил этилишида мақсаднинг аниқлиги, шунингдек, ўқитувчиларнинг фаол иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Кўргазма ва мўъжизалар майдони шаклида ўтказилаётган дарслар беллашув хусусиятига эга бўлиб, ўқувчиларни фаолликка ундайди.

Методлар бир қанча асосий гуруҳлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида кичик гуруҳлар ва уларга кирувчи алоҳида методларга бўлинади. Ўқув билиш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш жараёнини ўзи узатиш, қабул қилиш, англаш, ўқув ахборотларини эсда сақлашни ҳамда олинadиган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллай олишни назарда тутишини ҳисобга олсак, биринчи гуруҳ методларига сўз орқали узатиш ва ахборотни эшитиш орқали қабул қилиш методлари (оғзаки методлар, тушунтириш, ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар); иккинчи гуруҳига ўқув ахборотини кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методлари (кўргазмали методлар: тасвирий, намойиш қилиш ва бошқалар); учинчи гуруҳига ўқув ахборотини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш

(амалий методлар: машқлар, лаборатория тажрибалари, меҳнат ҳаракатлари ва бошқалар) киради.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи шарт-шароитлар ва йўналишлар асосида машғулотларни самарали ўтказиш технологиясини ишлаб чиқиш вазифасини амалга ошириш учун:

- ўқувчиларнинг дарсдан ташқари машғулотлари ва уларни касбга йўналтириш жараёнларининг самарадорлиги ва унумдорлигини оширувчи метод ҳамда назарияларни таҳлил қилиб, улар орасидан шахсни келажакда етук ва рақобатбардош касб эгаси сифатида шакллантириш имконини берувчи педагогик технология босқичлари ишлаб чиқиш ва тизимлаштириш:

- ўқувчиларда касбга оид тушунчалар ҳосил қилдириш;

- касбга оид назарий билимлар бериш;

- олинган билимларни амалга татбиқ этиш ва касб –ҳунар ҳақида ўқувчиларда кўникма ва малакалар ҳосил қилдириш асосида уларни касбга йўллаш.

- машғулотларни ташкил этишнинг мавжуд бўлганларига нисбатан афзалроқ бўлган муқобил методлар ва шаклларини ишлаб чиқиш имконини берадиган истиқболли йўналишлар белгилаб олинди;

- ўқувчиларнинг дарсдан ташқари машғулотларини ташкил қилишда гуруҳ шаклидан фойдаланганлигимиз сабабли, **учинчи навбатда**, жамоани шакллантириш ва бошқариш методларини, яъни жамоа олдидаги умумий муаммони ҳал қилиш учун ҳар бир ўқувчининг индивидуал фазилят ва сифатларини тўлароқ эътиборга олиш имконини берувчи мезонлар ишлаб чиқиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Дарсдан ташқари машғулотларнинг умумий таҳлили ва мазмунини касбга йўналтириш ишлари мисолида таснифлаш асосида тўғарак машғулотлари, оммавий шаклдаги дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўллаш ишлари такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

Дарсдан ташқари машғулотларнинг мақсад ва вазифаларига кўра ўқувчиларни касбга йўналтириш ишининг мазмунини танлаш мезонлари белгилаб олиш ҳар бир мезонни амалиётда қўллаш механизми, унинг машғулотлар мазмунида акс этиш хусусиятлари тавсифлаб берилиши лозим.

Дарсдан ташқари машғулотлар учун ишлаб чиқилган дастурларни амалга ошириш мураккаб педагогик-психологик ҳамда ташкилий жараёнларни амалга оширишда ўқувчилар қабул қилиши лозим бўлган барча ахборотлар оқимини гуруҳлар бўйича тизимлаштириш, бу вазифаларни

амалга оширишда шахсни шакллантиришга таъсир этувчи омиллар аниқлаш ҳамда амалий тажриба ва экскурсия машғулотларини ташкил қилиш йўналишлари ҳамда методларини ишлаб чиқиш ўқувчиларни касб-хунарга йўллашни муҳим омиллари ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Р.А.Мовлонова, Н.Ҳ.Раҳмонкулова, К.О.Матназарова, П.Қ.Холматов, М.К.Ширинов “Умумий педагогика” Дарслик Наврўз нашриёти Тошкент 2016.
2. , П.Қ.Холматов. “Ўқувчиларни касб-хунарга йўллаш технологияси”
3. Ф.М.Кучукваев, Б.А.Акбаров, А.А.Турғунов “Ўқувчиларни касб-хунарга йўллаш жараёнида қўлланиладиган педагогик технологиялар” методик қўлланма. Тошкент 2016.